



2020 у.г. «13»октабр

№ 313-К

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

**Шаҳардаги “ZHONG GUO KURGAN BAXT”  
масъулияти чекланган жамияти шаклидаги  
қўшма корхонасига 510 гектар ер майдони  
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 11-январдаги Самарқанд вилоятига ташрифи давомида берилган топшириклар ва Халқ депутатлари вилоят кенгашининг “Самарқанд вилоятини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар тўғрисида”ги навбатдан ташқари сессиясининг 3-сонли баёнида лалми экин ер ва яйлов майдонларини ўрганиб чиқиши ва ушбу ерларнинг унумдорлиги, ер ости сувларининг мавжудлиги ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги экиnlари экиш, шу жумладан боғ ва узумзорлар ташкил этиш бўйича берилган топшириклар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17-июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида “ZHONG GUO KURGAN BAXT” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси раҳбари X.Муминовнинг “Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги захира ерлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштириш учун сўғорилмайдиган лалми ер майдони ажратиш тўғрисида”ги хатини ҳамда шаҳар ҳокимлиги хузуридаги “Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”нинг холосасини кўриб чиқиб, маҳаллий ҳокимият тўғрисидаги қонуннинг 6 ва 25-моддаларига асосан,

**КАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Шаҳардаги “ZHONG GUO KURGAN BAXT” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси раҳбари X.Муминовнинг “Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги захира ерлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштириш учун сўғорилмайдиган лалми ер майдони ажратиш тўғрисида”ги хати ҳамда шаҳар ҳокимлиги хузуридаги “Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”нинг холосаси тасдиқлансан ва Ингичка қўрғончаси худудидаги шаҳар ҳокимлиги захирасида бўлган шаҳар ер

харитаси бўйича 1-контур Ислом Шоир МФЙ ҳудудидан 250 гектар, 2-контур Нуробод МФЙ ҳудудидан 260 гектар, жами 510 гектар сўғорилмайдиган лалми ер майдони “ZHONG GUO KURGAN BAXT” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасига 30 (ўттиз) йил муддатга ажратиб берилсин.

2. “ZHONG GUO KURGAN BAXT” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасига:

- Шаҳар ҳокимлиги ва “ZHONG GUO KURGAN BAXT” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган “Тармоқ жадвалида”да белгиланган босқичларда 3,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестицияларни белгиланган муддатларга қатъий риоя қилган ҳолда киритиш.

- инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш даврида ер участкасидан, шу жумладан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилгунга қадар бегоналаштириш, гаровга қўйиш, юридик шахсларнинг устав фондларига киритиш ёки бошқача тарзда тасарруф этилишига йўл қўйилмаслик.

- Маҳаллий аҳоли учун доимий янги иш ўринлари яратиш;  
-Мазкур ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадда фойдаланмаслик;

- Мазкур шартлар бажарилмаган ҳолатда ер майдонини шаҳар ҳокимлиги Давлат ер захира фондига қайтариш ҳамда ер участкасига бўлган ҳукуқ бекор қилиниши инобатга олинсин.

3. Шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Ф.Ибрагимов)га шаҳар ҳокимлиги ҳамда “ZHONG GUO KURGAN BAXT” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси (Х.Муминов) ўртасидаги ер хужжатларини белгиланган тартибда қайта расмийлаштириш, ажратилган ер майдонини жойида ўлчаб бериш ва Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодекси”нинг 36-моддасига асосан ер участкасидан белгиланган мақсадаларда фойдаланилмаган тақдирда ер участкасига бўлган ҳукуқи бекор қилиниши юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш вазифаси топширилсин.

4. Шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Д.Ашурев)га ҳамда шаҳар статистика бўлими бошлиғи (М.Муминовга) “ZHONG GUO KURGAN BAXT” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасига ер майдони ажратилиши муносабати билан тегишли тартибда амалдаги қонунлар асосида солиқларни ундириш ва корхона фаолияти билан боғлиқ ишларни амалга ошириш топширилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари (Б.Сайипов, И.Маматов, Т.Ишбеков) зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими в.б

Г.Алимова

**Каттакўргон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини эгалик қилишга,  
фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш)  
масалаларини кўриб чиқувчи комиссия**

**ТАРКИБИ**

1. Г.Алимова Шаҳар ҳокими в.б, комиссия раиси  
2. Ф.Ибрагимов Самарқанд вилоят “Ермулккадастр” ДКнинг Каттакўргон шаҳар бўлими бошлиғи комиссия котиби

**КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ**

- 3.Б.Сайипов Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринbosари  
4. Т.Ишбеков Шаҳар ҳокимининг ўринbosари  
5. И.Маматов Шаҳар ҳокимининг ўринbosари  
6. Н.Хамракулов Шаҳар курилиш бўлими бошлиғи  
7. А.Алимов Шаҳар экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи  
8. И.Жумаев Шаҳар ДСЭНМ бош врачи  
9. Д.Ашуроев Шаҳар (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси бошлиғи  
10. Н.Шарипов Шаҳар ИИБ ЁҲБ бошлиғи  
11.Б. Бабанов Ислом Шоир МФЙ раиси  
12.С.Мирзаёров Нуробод МФЙ раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 11-январдаги Самарқанд вилоятига ташрифи давомида берилган топшириклар ва Халқ депутатлари вилоят кенгашининг “Самарқанд вилоятини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар тўғрисида”ги навбатдан ташкири сессиясининг З-сонли баёнида лалми экин ер ва яйлов майдонларини ўрганиб чиқишини ва ушбу ерларнинг унумдорлиги, ер ости сувларининг мавжудлиги ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги экинлари экиш, шу жумладан бօғ ва узумзорлар ташкил этиш бўйича берилган топшириклар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17-июндаги “Қишлоқ хўжалигига ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Каттакўргон шаҳар Ингичка кўрғончаси ҳудудидаги шаҳар ҳокимлиги захирасида бўлган шаҳар ер харитаси бўйича 1-контур Ислом Шоир МФЙ ҳудудидан 250 гектар, 2-контур Нуробод МФЙ ҳудудидан 260 гектар, жами 510,0 гектар сўфорилмайдиган лалми ер майдони ажратилиши мумкин деган хulosага келинди.

**ТАНЛАНГАН ЕР МАЙДОНИ ЧЕГАРАЛАРИ;**

- Шимолдан - \_\_\_\_\_ худуди билан  
Жанубдан - \_\_\_\_\_ худуди билан  
Шарқдан - \_\_\_\_\_ худуди билан  
Ғарбдан - \_\_\_\_\_ худуди билан

**Эслатма:** Комиссия аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, ушбу лавозимга тайинланган раҳбар (ходим) комиссияга аъзо хисобланади. Танланган ер майдонларининг жойлашувига кўра, тегишли ҳудудлар ва иншоотларидан режим асосида фойдаланадиган ҳамда уларни эксплуатация қиласидаган ташкилотлардан қўшимча келишув ва хulosалар олинади.

1	Г.Алимова	
2	Ф.Ибрагимов	
3	Б.Сайипов	
4	Т.Ишбеков	
5	И.Маматов	
6	Н.Хамракулов	
7	А.Алимов	
8	И.Жумаев	
9	Д.Ашурров	
10	Н.Шарипов	ЦЕНТР КОНСУЛЬТАЦИЙ ПО ОГРАНИЧЕННОМУ ВРЕМЯМ ПО ПРОДАЖЕ САЛЮТНЫХ ПОДАЧ
11	Б. Бабанов	
12	С.Мирзаёров	

